



2006 йил 31 августдан
чоп этила бошлаган

Ижтимоий-сиёсий газета



ИСРОФ ВА КАМБАҒАЛЛИК

“Исроф” арабча “сарафа”, яъни “ишлатмоқ”, “сарф қилмоқ” ўзагидан ясалган. У “ҳисобсиз тарзда ишлатиш”, “ҳаддан ошиш” маъноларини англатади. Исрофга йўл қўйган одам берилган неъматларни ўрнида сарфламаган ёки эҳтиёждан ташқари ишлатган бўлади.

Хўш, биз неъматларни истифода этишда исрофга йўл қўймаймизми?

Пойтахтимизнинг деярли ҳар бир маҳалласида чиқиндихона мавжуд. Хайрият, халқимиз нонни алоҳида пакетга солиб ташлайди. Чиқиндихона ходимлари ёзда уни офтобга ёйиб, қуритишади, кейин уйда жонзот боқаётганларга сотишади.

Шунисиға ҳам шукр. Лекин нега уйда нон ортиши керак? Қотиб қолди ҳам, дей-

лик. Ахир, уни газнинг духовкасида қизартириб олиб, истеъмол қилсангиз, бағоят хушхўр бўлади-ку. Ҳатто, тиббиёт ҳам шуни тавсия қилади. Чунки бунда хамиртурушнинг зарарли жиҳатлари камайдига. Кузатсангиз, чиқиндига ташланаётган ноннинг катта қисми буханка. Чунки сифатсиз маҳсулот чиқарилган: ё ичи хом, ё хамир етилмай ёпилган.

Бизда ғалла етиштириш осонми? 37 миллионли мамлакатга қанча ғалла керак? Бундай исроф билан бу муаммони ечиш давлатга ва халққа қанчалар қимматга тушаётганини ким ҳисоблаб чиқади?

Сув, электр энергияси ва газ ишлатаётганда ҳеч кимнинг: “Ишлатаётган бўлсам, пулини тўлаб ишлатаяпман-да, бировнинг бу билан нима иши бор?” дейишга асло ҳаққи йўқ.

Чунки... Бу дунёда ҳеч нарса беҳисоб эмас.


(Давоми 4-5-саҳифаларда)



Жасорат

(Давоми 6-саҳифада)

МЕҲР ҚОЛУР, МУҲАББАТ ҚОЛУР



Қабулларимиздан бирида Маржона исмли ўн уч ёшли неварасининг оғир дардга чалинганлиги ва “операция” учун катта маблағ лозимлиги ҳақидаги мурожаат билан кекса ёшли аёл келди. У киши шундай бир ҳаё, ўзига ярашиқли тортинчоқлик ила гапирар ва айни вақтда айтаётган гаплари рост эканлиги шундай юзидан кўриниб турар эдики, бемор фарзанд кўз олдинда гавдаланиб, вужудингга титроқ киради ва шу оннинг ўзидаёқ кўмаклашгинг келади.

(Давоми 8-саҳифада)

«Demokratik jarayonlarni yanada takomillashtirish: zamonaviy yondashuvlar va xalqaro tajriba» mavzusidagi xalqaro davra suhbat



International round table on the topic «Enhancing democratic processes: modern approaches and international experience»

2024-yil 25-sentabr, Toshkent

September 25, 2024 Tashkent



ИНСОН ҚАДРИ ВА МАНФААТЛАРИГА ЭЪТИБОР

Ўзбекистондаги демократик ислохотларнинг устувор мақсади

2024 йил 25 сентябрь куни пойтахтимизда Демократик жараёнларни таҳлил қилиш маркази томонидан «Демократик жараёнларни янада такомиллаштириш: замонавий ёндашувлар ва халқаро тажриба» мавзусида халқаро давра суҳбати ўтказилди.



Унда мамлакатимизда олиб борилаётган конституциявий ислохотлар, халқ ҳокимиятини мустақамлаш, янги сайлов тизими ва сиёсий рақобатни ривожлантириш, нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, оммавий ахборот воситалари эркинлигини таъминлаш борасида амалга оширилган муҳим қадамлар ва эришилган натижалар чуқур таҳлил қилинди.

Тадбирда Марказий сайлов комиссияси, Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари ва сиёсий партиялар вакиллари, Қонунчилик ва ҳуқуқий сиёсат институти, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий Ассоциацияси, «Юксалиш» ҳаракати, «Тараққиёт стратегияси» маркази, ННТ ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Шунингдек, Буюк Британия, Канада, Озарбайжон, Миср, Покистон, Россия каби давлатлардан халқаро даражадаги экспертлар, таниқли мутахассислар ўз маърузалари билан қатнашдилар.

Халқаро давра суҳбатида сўнгги 7-8 йил давомида мамлакатимизда чуқур демократик ислохотлар ортга қайтмас одимлар билан илдамлаёт-

шаббуслар хусусида ҳам тўхталиб ўтилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2024 йил 26 августда эълон қилинган «Фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони, унда кўзда тутилган вазифаларнинг аҳамияти хусусида ҳам алоҳида таъкидлаб ўтилди. Чунончи, мазкур ҳужжат мамлакатимизда демократик жараёнларни янада такомиллаштиришда бекиёс ўринга эга эканлиги қайд этилди.

Бундан ташқари, маърузалардан янги таҳрирда қабул қилинган Ўз-

олганини алоҳида қайд этиш мумкин.

– Ўзбекистондаги сайлов меъёрлари халқаро стандартларга, хусусан Европа кенгашининг Венеция комиссияси андозаларига ҳам мос ва ҳатто устувор жиҳатлари ҳам бор, – деди Россия иқтисодиёт олий мактаби доценти Кирилл Молодик. – Масалан, Ўзбекистонда сайловда овоз бериш учун кимнинг келмагани назоратга олинмайди ва ҳатто ошкор ҳам этилмайди. Бу жараёнга мутлақо эркин тарзда ёндашилади. Шу билан бирга, сайловолди учрашувларда маҳаллий ҳокимликлар томонидан бепул бинолар ажратилиши диққатга сазовор.

Қизгин мулоҳазаларга бой ўтган анжуман нафақат фикр алмашиш, балки юртимизда демократик жараёнларни янада жадаллаштириш бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқиш учун ҳам муҳим майдон бўлиб хизмат қилади. Хусусан, хорижий тажрибаларни ўрганиш ва уларни миллий амалиётимизга татбиқ этиш имконини беради.

Халқаро давра суҳбати доирасида амалга оширилган маҳаллий ва хорижий экспертлар ўртасидаги дўстона мулоқот Ўзбекистондаги демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва такомиллаштиришга хизмат қиладиган кимматли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишда ўз самарасини беради.

Абдумуталиб ЎКТАМОВ,
журналист.



гани, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари устувор бўлган Янги Ўзбекистонни бунёд этишдаги инсонпарварлик сиёсати, ижтимоий давлатчиликка асосланган конституциявий ислохотлар, гендер тенглик, аёллар ва болалар ҳуқуқлари кафолатини таъминлаш, давлат бошқарувида хотин-қизлар иштирокини кенгайтириш, давлат органларининг ҳисобдорлиги ва очиқлигини ошириш борасида амалга оширилаётган ҳаракатлар ва уларнинг натижалари алоҳида эътироф этилди.

Шунингдек, тадбир иштирокчилари сўнгги йилларда давлатимиз раҳбари томонидан жаҳоннинг энг юксак сиёсий минбарларида, йирик халқаро тадбирлар ва учрашувларда илгари сурилган ва халқаро эътирофларга сазовор бўлган муҳим та-

бекистон Республикаси Конституцияси, янги шакл ва моҳиятга эга сайлов тизими мисолида юртимизда инсон қадри ва манфаатларига эътибор, давлат бошқарувида жамоатчилик иштироки ва фаоллигини янада оширишга қаратилган интилишлар самараси кенг ўрин



«...Агар устоз рози – Тангри розидур»

Устоз ва мураббийлар жамият биносининг бинокорлари, ҳаёт боғининг боғбонларидир.

Улуғ мутафаккир Мир Алишер Навоий ҳазратлари:

*Агар шогирд шайхулислом,
агар қозидур,
Агар устоз рози –
Тангри розидур.*

деб таъкидлаганларида минг бора ҳақ бўлганлар. Инсон ҳаётда яшар экан, албатта у устоз аталган буюк бир шахс кўлида тарбия топади, жамиятда ўз ўрнига эга бўлади. Шайх Саъдийдан: “Нега устоз ота сингари бунчалик улуғланади?” деб сўрашганида, шундай жавоб берган экан: “Ота сени юқоридан пастга туширади, устоз эса сени пастдан юқорига кўтаради”. Чиндан ҳам устоз нафақат илму зиё таратади, балки ҳар бир инсон қалбига инсонпарварлик ва бағрикенглик уруғлари экади. Инсон бетимсол ақли закоси

ила комиллик сифатларини мужассам этган ҳолда олийликка томон одим отиб бораверади. Бу йўлда унга устоз аталмиш улуғ бир сиймо маёқ янглиғ йўлларини ёритиб боради. Энди юришни ўрганаётган гўдакни парвариш қилаётган она мисоли ғамхўр ва меҳрибон, ҳар бир мурғак қалбга илму зиё ва маърифат тарқатиш билан бир қаторда уларнинг қалбига Ватанга муҳаббат, эл юртга садоқат, ота-онага ҳурмат-эҳтиром сингари олийжаноб туйғуларни сингдираётган мухтарам устозлар олдида мудом таъзимдаман.

Устозларни эслаш, улар ҳақида илик фикрлаш ҳар бир шогирдда бўлгани каби мен учун ҳам шарафли бурчдир. Агар бу дунёда нимагадир эришган бўлсам, азиз устозларимнинг бекиёс хизматлари

туфайлидир. Илк бора харф танитган биринчи устозим Сайёра Даминовага ўз миннатдорлигимни билдириб ўтмоқчиман. Устозим билан ҳар гал кўришиб қолганимизда, ўша болалик даври меҳри ва тафтини ҳис қиламан. Шунингдек бизга инглиз тилидан сабоқ берган Насиба Сиддиқова, она тили ва адабиёт фани ўқитувчимиз ва синф раҳбаримиз Шохиста Чориева, география фанидан Ўғилой Мўминова мен учун доимо кадрли. Шу билан бирга Ўзбекистон миллий университети Геология факультетиде геология илмидан ёшларга узок йиллар сабоқ берган, мазкур илмининг барча сир-асрорларидан воқиф этган профессор, раҳматли Тўрабек Долимов, геология-минералогия фанлар номзоди, профессор Очил Қўшмуродов каби улуғ устозларни доимо эслайман.



Бугунги кунда ҳар жиҳатдан етук, интеллеktуал салоҳиятли, креатив фикрлайдиган, замон билан ҳамнафас ёш авлодни тарбия қилишни даврнинг ўзи такозо қилмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Кун сайин таракқий этиб бораётган глобализация замонасида миллий кадрларга эҳтиёж сезилиши табиий. Бу борада эса устозу мураббийлар таянамиз. Баркамол авлодни тарбия қилишдек заҳматли йўлда борини бериб меҳнат қилаётган азиз устозларимиз ҳамиша бор бўлишсин.

Эшпўлат ЖУМАНОВ,
Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитасига қарашли Ўзбекгидрогеология давлат унитар корхонасининг Мирзачўл гидрогеология станцияси бошлиғи



АСОСИЙ МАҚСАД — ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ

Жамиятимизда камсонли бўлса-да юртимиз учун ўта муҳим вазифаларни бажариб келаётган божхоначи касбининг эгалари бор. Уларга асосан чегарани кесиб ўтаётган шахслар ёки ташқи савдо операцияларини амалга ошираётган тадбиркорлар ҳаётда кўпроқ дуч келишади. Аҳолимизнинг бошқа қатламида божхоначи касби ҳақида маълумотга камроқ эга бўлишади.

лим муассасаси ҳисобланади. Мазкур институтга дастлаб 2003 йилда асос солиниб, 21 йилдан ортиқ вақт мобайнида божхона тизимида “Божхона иши”, “Юриспруденция” таълим йўналишларида малакали офицер кадрлар тайёрлаб келмоқда. Божхона органлари шахсий таркибининг ½ қисмида институт битирувчилари фидоийлик ва садоқат билан самарали хизмат олиб бормоқда. Келгусида ушбу ҳиссани янада ошириб бориш режалаштирилган. Давлатимиз раҳбарининг қарорига мувофиқ, 2018 йилдан бошлаб олий маълумотли божхоначилар тайёрлаш тизими икки (бакалаврият, магистратура) босқичга ажратилди ва таълим-тарбия жараёни такомиллаштирилди.

Таълим муассасаси нуфузини белгилашда унинг битирувчиларининг карьераси муҳим роль ўйнайди. Институт “ёш” бўлса-да, битирувчилар орасидан айримлари Божхона қўмитаси марказий аппарати таркибий тузилмалари ҳамда ҳудудий бошқармаларда раҳбар лавозимларда хизмат қилмоқда. Шунингдек, битирувчиларнинг 5 нафари божхона ишига оид мавзуларда PhD докторлик диссертацияларини ёқлади. Битирувчиларнинг икки нафари Бельгиянинг Брюссель шаҳрида жойлашган Жаҳон божхона ташкилотига фаолият юритди.

Институтда таълим олиш қандай амалга оширилади?

Бакалаврият босқичидаги курсант-

лар тўлиқ давлат таъминотида (озик-овкат, стипендия, формали кийим-бош, турар-жой ва бошқалар) ҳарбийлаштирилган тартиб асосида таълим олиб, ўқишни битирганидан сўнг юртимизнинг турли ҳудудларида жойлашган божхона сарҳадларида хизматни ўташ учун юборилади. Магистратура босқичига амалдаги божхона ходимлари қабул қилиниб, ўқишни битиргач улардан раҳбар кадрлар захираси шакллантирилади ва божхона органларида хизмат фаолиятини давом эттиришади.

Институтнинг “Божхона иши” таълим йўналиши ўқув режаси

2022 йилда Жаҳон божхона ташкилотининг божхоначиларга белгилаган профессионал стандартлари – PICARD (Partnerships in customs academic research and development) дастури бўйича халқаро аккредитациядан ўтди. Натижада битирувчиларнинг олий маълумоти тўғрисидаги дипломи халқаро даражада тан олиншига эришилди. Дунё миқёсида 29та таълим муассасаси бу каби халқаро аккредитациядан ўтган.

Шунингдек, мазкур йилда институт юртимизнинг таълим сифати бўйича миллий аккредитациясидан ҳам муваффақиятли ўтган. Курсантларнинг ўқув амалиёти ва стажировкаси бевосита Божхона қўмитаси ва унинг ҳудудий

бошқармаларида ташкил этиш йўлга қўйилган.

Институтнинг педагогик ва илмий салоҳияти

Институт профессор-ўқитувчилари божхона ходими ҳисобланиб, божхона органларида хизматни ўташ тўғрисида Низом асосида хизмат фаолиятини олиб боришади. Институт таркибида 2та факультет таркибида 9та кафедра ташкил этилган. Амалга оширилаётган ислохотлар натижасида, сўнги йилларда институт педагог ходимларнинг илмий салоҳияти 16 фоизга ошиб, бугунги кунда жами педагог ходимларнинг 52 фоизи илмий даража ва унвонларга эга ҳисобланади. Божхона соҳасидаги илмий тадқиқотларни янада чуқурлаштириш мақсадида 2024 йилда институт таркибида Илмий марказ ташкил этилди. Шунингдек, устозлар илмий-тадқиқот ишларни бажариш билан бир қаторда божхона органларида узок йиллик амалий тажрибага ҳам эга. Таълим – амалиёт – фан уйғунлигини таъминлаш мақсадида институт ходимларини божхона органларида стажировка ўташлари даврий ташкил этилган.

Сўнги 5 йил давомида институтда янги авлод ўқув адабиётлари билан услубий таъминлашга алоҳида эътибор қаратилиб, ўқитиладиган фанлар бўйича дарслик ва ўқув қўлланмалар билан тўлиқ таъминланди. Ахборот-ресурс маркази электрон ўқув адабиётлар фонди бойитилди. Ўқув жараёнларини ташкил қилиш ва бошқариш юзасидан махсус электрон платформа ишлаб чиқилиб, синов тарихида ишга туширилди. Булар курсантларнинг замонавий билимларни эгаллашида муҳим ҳисса қўшмоқда.

(Давоми 7-саҳифада)

ИСРОФ ВА КАМБАҒАЛЛИК

(Боши 1-саҳифада)

Яқинда ижтимоий тармоқларда Самарқанд шаҳридаги бир никоҳ тўйида бўлган манзаранинг видеоси тарқалди. Тўйхонага кириб келган келин-куёв бошидан шу қадар кўп пул сочилдики, бунақасини дунёнинг бойдан-бой давлати Америка Қўшма Штатларида ҳам ҳеч ким кўрмаган бўлса керак.

Хўш, пул сочганлар бу билан нимани исботламоқчи бўлишди? Нима, бу пул сочиш келин-куёвнинг келажagini таъминлаб берадими? Пул сочганлар бунинг ўрнига муҳтожларга ҳиммат кўрсатиб, уларнинг оғирини енгил қилганида эди... Бир қўлнинг берганини иккинчи қўл билмаса эди... Аслида инсонлар меҳнати эвазига қўлга кирадиган пулни бундай хор қилиб сочиш ҳам исрофнинг бир бемаъни тури эмасми?!

Тўғри, миллатимизда никоҳ тўйида келин-куёв, суннат тўйида тўйбола бошидан танга сочиш анъанаси бўлган. Масалан, ўтган асрнинг 60–70-йилларида бобо-бибиларимиз сарик тангаларни, яъни 1, 2, 3 ва 5 тийинлик чақаларни яхши ният билан йиғиб қўйишар, тўйларда сочишар эди. Лекин уларнинг барини жамлаб келсангиз, бир сўм бўлмас эди-да. Албатта, ризки фароғ, ҳаёти тўкин бўлсин, деган ирим ётган бунинг замирида.

Ижтимоий тармоқларда бир машҳур бой туфлиснинг ипини бошқа кишига боғлатаётгани тасвири ҳам тарқаб кетди. Ахир, дунёнинг манаман деган давлатлари раҳбарлари ҳам шундай қилмаса керак?! Бу ниманинг аломати? Моҳиятан ҳар бир одам жамиятдаги бошқа неъматлар сингари обрў-этиборини ҳам исроф қилмай яшаши керак эмасми?! Ортиқча ҳашам ва дабдабозликка сарфланаётган маблағлар, эҳтимол, қандайдир маънода обрў исрофи ҳамдир.

Тўй-ҳашамларимиз жамиятда носоғлом мусобақага айланиб кетяпти. Дабдабали тўй-ҳашамлар бунга қурби етмайдиган ор-номусли кишиларни руҳан оғир аҳволга солиб қўйяпти. Тўғри, ҳамма замонда ҳам бир тоифа кишилар қўлида эҳтиёжларидан ортиқ маблағ тўпланиб боради. Қонуний йўл билан топса, ҳалоли бўлсин – ҳеч ким бунга қарши эмас. Аммо айнан шу бойлик тўй-ҳашамларни дабдабали ўтказишга сабаб бўляпти. Ахир, халқимизнинг азалий анъаналарида хайр-эҳсон қилиш, меҳр-мурувват кўрсатиш, муҳтожларга, бева-бечораларга ёрдам бериш, уларнинг турар-жойларини обод қилиш, эл-у-

лусга хизмат кўрсатадиган йўллар, кўприклар қуриш, сармоияни ишлаб чиқаришга сарфлаб, янги иш ўринлари яратиш, шу тариқа эл-юрт ўртасида ҳақиқий обрў-этибор орттириш ҳам мумкин-ку.

Халқнинг тўй-маъракаларга ҳаддан ташқари берилиб кетиши, ҳатто, кўпчилик буни онгли ҳаётининг асл мазмуни даражасида билиб, топган-тутганининг катта қисмини шунга сарф этиши исрофдан бошқа нарса эмас.

Тўй-ҳашам, маърака-маросимларимизнинг тобора одамлар елкасига кўтариб бўлмас юк бўлиб тушаётгани балки бежиз эмасдир. Ҳар қандай жамиятда, жумладан, бозор иқтисодиёти амалда бўлган мамлакатда ҳам тариф, яъни қандайдир нарх-навонинг умумий мезонлари шаклланган бўлади. Масалан, ҳозирги пайтда доцент ёки профессорнинг 40 дақиқалик бир соат дарсига қанча ҳақ тўлаш ҳукумат тарафидан қатъий қилиб белгиланган. Хўш, хонанданинг тўйдаги 40 дақиқалик хизмати ҳақини ким белгилайди? Очиғи, хонанданинг “бирров”га келиб-кетиши учун минг доллардан юқори ҳақ тўлаш қаёқдан чиққан? Бир жамиятда меҳнатга ҳақ тўлаш бобида нега ер билан осмонча фарқ бўлиши керак? Бунга ким айбдор? Бунинг устига, нима асосга кўра, санъаткорга ҳам тўйчи тарафидан катта ҳақ тўланиши, ҳам яна тўйда қатнашаётганлар уларга пул кистириши керак? Кайф устида хонанда ё раққосага пул кистириётган анави амаки умрида боласига биттагина китоб олиб берганмикан?

Ахир, бу ҳаммамиз кўзларимиз билан кўриб турган очик-ошкор исроф эмасми? Энг ёмони, камбағаллар бойга пул қистирилади. Тескариси бўлиши керак эмасми? Булар миллий маънавий яраларимиз. Афсус, ҳаммамиз кўриб тураемиз-у, малҳам суркамаймиз...

Расмий концертларни қаранг, дунё бўйича бир мезон шуки, раққоса бир концертда, нари борса, икки-уч марта чиқади, холос. Бир раққоса тўйда икки-уч соатлаб раққоса тушганидан кейин санъатнинг санъатлиги қоладими?

Бир европалик меҳмон тўйларимиздан бирида иштирок этибди. Одамлар раққосани ўзларига имлаб, унга ароқ қуйиб бериб, ичинини илтимос қилишар, эвазига унга пул қистиришар, у эса олган пули эвазига шу одамга қараб жилпанлар экан. Афсуски, европалик меҳмон буни, ўта кетган маданиятсизлик, ҳатто, инсоннинг инсон тарафидан таҳқирланиши, деб ҳисоблабди.

Улар буни, умрнинг исрофи, деб билади.

Бир эрталабки ошга хорижлик меҳмонимни ҳам олиб бордим. Машинани кўйишга зўрага жой топдик.

– Мамлакатингиз ҳали-бери бойиб кетадиганга ўхшамайди, – деди у қайтаётганимизда кутилмаганда.

– Нега? – дедим ўзимни билмасликка олиб.

– Биринчидан, бундай шоҳона ош бериш тўйчининг белини синдиради, чунки шу харажатига у ўғлига бир янги бизнес очиб бериши мумкин эди. Иккинчидан, келган меҳмонларнинг машинасига сарфланган ёнилгининг пули ошга кетган маблағдан кўп бўлса кўпки, кам эмас, бу ҳам катта исроф.

Тўй-маъракаларни ихчамлаштириш борасида бундан бир аср бурун Бухоронинг сўнгги амири Саид Олимхон қаттиқ фармон чиқаргани, жадид боболаримиз бу борада қанча мерос қолдиргани, шўро даврида ҳам бу борада катта кураш олиб борилгани, мустақиллик йилларида бу бўйича кўплаб қонуности ҳужжатлари – фармон ва қарорлар қабул қилингани, комиссиялар тузилгани, аммо фойдаси кам бўлаётганини айтиб ўтирмадим.

Тўй-ҳашамларимизнинг серхаражат бўлишидан манфаатдор кучлар бор. Улар ўз хизматини пуллаш учун тўйчини унга-бунга ундайверди. Янги-янги қилиқлар ўйлаб топилади.

Камина туғилиб ўсган Бухоронинг Вобкент туманидаги Қирғизон қишлоғида 50 йил бурун 70 тача ҳовли бор эди. Қишлоқ атрофида жамоа хўжалигининг 70 гектардан ортиқроқ экин майдони бўларди. Аҳоли кўпая борди, оилаларга уй-жой учун ер ажратилди. Ҳозир қишлоқ уч бараварлар кенгайган. Табиийки, экин майдонларининг қарийб ярми уй-жойларга айланган. Томорқалар ҳам аслида, унумли экин майдони. Бироқ мамлакатимизнинг ҳамма қишлоқларида ҳам томорқадан унумли фойдаланилмаяптими?

Президентимиз Шавкат Мирзиёев баҳорда Сирдарё вилоятининг Сайхунобод туманида томорқаларнинг аксариятида беда билан маккажўхоридан бошқа нарса экилмаётганини кўриб, шундай қимматдан-қиммат ерлар исроф бўлаётганини афсус билан қайд этдилар.

Ёки шаҳардаги ҳовлиларни олинг. Олдинлари шаҳар ҳовлиларида ҳам ўрик, олма, нок, анжир, шафтоли, айниқса, узум етиштирилган. Ҳозир аксар шаҳар ҳовлилари чирой-

ли дизайн билан кўкаламзорлаштирилган холос. Албатта, уй соҳибини ҳеч ким мевали дарахт экишга мажбур қила олмайди. Лекин мамлакатимизнинг умумий иқтисодий аҳволи шаҳар ҳовлисидаги тап-тайёр майдонча тугул, бир қарич ерга ҳам фойдали маҳсулот етиштириш пайдан бўлишни тақозо этмайдими? Ахир, ҳар қаричи олтинга тенг ерни исроф қилмаслигимиз керак-ку. Тоғли ўлка бўлган Покистонда одамлар елкаларида қопларда тоғларга тупроқ ташиб чиқиб, кўзаларда сув олиб бориб суғориб, бир неча туп помидор, бодринг ёки булғари экишар экан...

Атроф-муҳит бўйича БМТ дастури (ЮНЕП) мутахассисларининг ҳисоб-китобига кўра, бугунги кунда ҳар бир одам йилига ўртача 71 килограммга озиқ-овқат маҳсулотини ташлаб юборади. Бу дунё бўйича ҳар куни 1 миллиард порция овқат исроф бўлаётганини англатади. Бошқача айтганда, ҳар йили 1 миллиард 500 миллион тонна озиқ-овқат маҳсулотлари чиқитга ташлаб юборилади. Бу эса бир йилда ишлаб чиқариладиган озиқ-овқат маҳсулотларининг 19 фоизини ташкил этмоқда. Бунинг 60 фоизи хонадонлар, 28 фоизи умумий овқатланиш муассасалари, 12 фоизи чакана савдо корхоналари ҳиссасига тўғри келади.

Бу билан, биринчидан, исрофга йўл қўйяпмиз, иккинчидан, атроф-муҳитга зарар етказяпмиз. Чунки бу маҳсулотларнинг аксарият қисми чириш жараёнида ўздан зарарли метан газини чиқаради, шу тариқа бу Ер юзиде иқлим ўзгаришига ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Келинг, бу мулоҳазалардан биров чекиниб, сал “паст”роққа тушайлик. Сергели туманининг Қурувчи маҳалласидаги кўчалардан бирида сув қувури тешилиб, икки ҳафтача йўлга сув тошиб турди. Ҳозир, биласиз, ҳовлисидаги боғчасини кечаси соат 24 дан олдин суғорганга, автотомобилини шланг билан сув сепиб ювганга отнинг калласидай жарима белгиланган. Чунки юртимизда одам сони ортгани сари ичимлик суви захиралари камайиб кетяпти. Бундан бу ёғи олтидан қиммат бу неъматни тежаб-тергаб фойдаланишга мажбуримиз. У ҳолда, нега туман сув таъминоти ташкилоти қувурни ўз вақтида таъмирламади? Қувурни таъмирламаган усталар 2022 йил бошидан Сергели туманига Тошкент вилоятининг Зангиота туманидан катта бир ҳудуд қўшилгани, шу сабабли иш қўлами кўпайиб кетгани, аммо сув ташкилотининг штатлари кенгайтирилмагани



ва моддий-техника базаси кучайтирилганини сабаб қилиб кўрса-тишди.

Аслида исрофнинг олдини олиш бир-икки ёки уч-тўрт кишининггина иши эмас, балки бу умуммиллий, яъни мамлакат миқёсидаги глобал масала.

Иқтисодий жиҳатдан ҳали дунёнинг ривожланган мамлакатларига етиб олишимизга анча бор. Ўтган йили ялпи ички маҳсулотимизнинг жон бошига тақсмоти 2 минг 676 АҚШ доллари миқдорига бўлди. Мухтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев халқ ва давлат олдига 2030 йилга бориб бу кўрсаткични 4 минг долларга етказиш вазифасини қўйди. Шу мақсадга эришсак, 6 йилдан кейин ҳозирги Эроннинг иқтисодий даражасига етишамиз. Лекин бу кўрсаткич АҚШда 81 минг 695, Канадада 53 минг 371, Японияда 33 минг 834, Германияда 55 минг, Францияда 44 минг 477, Буюк Британияда 48 минг 866, Италияда 38 минг 373, Сингапурда 84 минг 734, Исроилда 52 минг 261, Бирлашган Араб Амирликларида 45 минг 321, Россияда 13 минг 138, Туркияда 12 минг 985, Қозоғистонда 13 минг 136, Туркменистонда 9 минг 190, Грузияда 8 минг 120, Арманистонда 8 минг 715, Хитойда 12 минг 614, Озарбайжонда 7 минг 155 доллар-да...

Ривожланган давлатлар айнан исрофнинг олдини олиб, меҳнат-машаққат билан топилган ҳар қандай маблағини ақл-идрок, тартиб-қоида, меъёр билан сарфлаб, ана шундай секин-асталик билан йиллар мобайнида орттирилган бойликни ишлаб чиқаришга, илм-фан ривожига, одамнинг ақлий салоҳияти, илм-маърифати, техника-технологияга сарфлаб, имкон қадар қўл меҳнатини камайтира боришга, ана шундай юксак турмуш фаровонлигига эришган. Шундай экан, халқ сифатида бугун биз, ҳатто, бир сўмимизни ҳам ўйлаб, фойдали, кўпаядиган мақсадларда сарфлашни ўрганишимиз керак. Аммо бу борада ҳали кўп-кўп хатоликларга йўл кўяётганимиз ҳеч кимга сир эмас. Ҳозир буларнинг ҳаммасини бир-бир санашнинг имкони йўқ.

Исрофнинг каттаси – вақтни бекор кетказиш. “Бекорчидан Худо безор”, деган мақолимиз ҳам бежиз яратилмаган. Чунки меҳнат-ма-

шаққат, яъни кўп вақт сарфлаб етиштирилган маҳсулотлар нобуд бўлаётгани, инсон қуввати, умри бекор кетаётгани учун исрофга қарши турилади. Бироқ қанчадан-қанча вақтимизни беҳудага сарфлаётганимизни ким ҳисоблаб борапти? Шундай ютқизиқларимизни пулга чаксак, қанча бўлар экан? Бу кетишда қачон ривожланган давлатларга етиб оламиз?

Иқтисодчиларнинг ҳисоб-ки-тобига кўра, мамлакатимизда бир янги иш ўрнини ташкил қилиш учун ўртача 10 минг доллар керак. Вазиятимиз шундайки, ана шу 10 минг доллар тўплаган ҳар бир бой исрофнинг олдини олиб, пулини янги иш ўринлари яратишга сарфлаши лозим. Бу хайрия эмас. Ташкил этган ана шу янги иш ўрни ҳам ўзига қўшимча маблағ келтиради, ҳам бир фуқарони иш билан таъминлайди.

Биз ислохотлар даврида яшаяп-

мизни бир жўмакни бурасак, совуқ, иккинчисини бурасак, иссиқ сув оқиб туришисиз тасаввур қила олмаймиз. Ана шунда бир жиддий масала ўртага тушади: қайси қўл билан қайси сув оқадиган жўмакни бурасак, исрофнинг олдини олган, яъни вақтдан ютган бўламиз?

Бу шунчаки масала эмас. Ҳар куни нимагадир бир сониядан ортиқча вақт сарфласангиз, бир йилда жами 365/66 сония йўқотасиз. Бу бир йилда 6 дақиқадан кўпроқ бўлади. Дунёда ўртача ёшни 75 йил деб ҳисобласак, бир киши бир кунда ана шу бир сониядан йўқотгани эвазига умрининг 457 дақиқасини, яъни 8 соатини исроф қилган бўлади. Энди бор-йўғи ана шу бекор кетган бир сония туфайли 8 миллиард одамнинг бир иш куни ҳеч нарса яратмаслигидан келиб чиқадиган улкан зарарни кўз олдимишга келтирайлик.

Хўш, совуқ сувни қайси, иссиқ

– Эсиз, эсиз! – дебди немис. – Шундай замонавий меҳмонхона қуришни ўрганибсизлар-у, бутун дунёда иссиқ сув чап қўлга қулай тарафдаги бурагич орқали очилишини ўрганмабсизлар-да.

миз. Мақсад – Ўзбекистонимизни ривожланган мамлакатлар сафига қўшиш, юксак даражадаги турмуш фаровонлигига эришиш. Бу борада қанчадан-қанча тўсиқларни енгишимизга тўғри келади.

Кечагина дунё аҳолиси 4 миллиард кишидан иборат эди. Ярим асрда икки карра кўпайиб, 8 миллиардга етдик. Мақолда қойилмаком қилиб айтилганидек: “Бир товукқа ҳам дон керак, ҳам сув”. Лекин инсон истеъмоли учун зарур ресурслар ўз-ўзидан кўпаявермайди-ку.

Шундай экан, одамзод ҳамма нарсани тежаб-тергаб ишлатишга мажбур. Бу эса ҳар бир қадамни ўйлаб босишга, ҳеч нарсани исроф қилмасликка, бунинг учун ҳар қандай масалани илман пухта-пишиқ ҳолда бажаришга ундайди. Хуллас, цивилизация ҳамма нарсада исрофга чек қўйиб, иқтисодий жиҳатдан ҳар тарафлама ютишга, яъни ҳар қандай меҳнатга сарфланадиган вақтни қисқартиришга чорлайди. Масалан, бугун замонавий ҳаёти-

сувни қайси қўл билан бураб очган самаралироқ? Бу масала дунёда аллақачон энг оқилона тарзда ҳал қилинган. Бунда олимлар икки масаладан келиб чиқишган. Биринчиси, совуқ сув кўп ишлатиладими ёки иссиқ сувми? Табиийки, совуқ сув.

Иккинчиси, ўнг қўлни ишлатиш қулайми ёки чап қўлни? Жами одамларнинг 85 фоизи ўнгақай, 15 фоизи чапақай. Демак, совуқ сув ўнг, иссиқ сув чап қўл билан очилса, одамзод вақтдан ютади. Бугун бутун дунё илмий асосланган шу хулосага амал қилади. Бизда эса... Келинг, Бухоройи шарифнинг манаман деган меҳмонхонасидаги бир можарони айтиб берай. Юртимизга Германиядан келган бир зиёратчи соқол олмоқчи бўлиб, чап қўлига мос тарафдаги бурагични бураса, ҳадеганда иссиқ сув келавермабди. Одатда қувурда тўлиб турган иссиқ сув бироз совиб қолади.

Сал-пал оқизиб юборсангиз, иссиқ сув келади. Бу гал эса ҳеч иссиқ

сув келмас, қайтанга, сув совугандан совиб борар эмиш. Охири меҳмонхона маъмуриятига қўнғироқ қилиб, шикоятини айтибди.

– Бизда ҳар доим иссиқ бўлади.

— Нега бундай деяпсиз? Ҳозир мутахассис юборамиз, – дебди маъмурият ходими.

Мутахассис келиб, бурагични чапга бураса, ҳақиқатан совуқ сув оқётган эмиш. Ўннга бураса, иссиқ сув оқибди.

– Эсиз, эсиз! – дебди немис. – Шундай замонавий меҳмонхона қуришни ўрганибсизлар-у, бутун дунёда иссиқ сув чап қўлга қулай тарафдаги бурагич орқали очилишини ўрганмабсизлар-да.

Ахир, менинг ўзим қанча тоза ичимлик сувини бекордан-бекорга оқизиб юбордим. Менга ўхшаганлар адашиб, қанчадан-қанча сувни исроф қиляпти-ку!

Сиз: “Фақат бир меҳмонхонанинг бир хонасида усталар адашиб, иссиқ сувни ўнг қўл бурагичга мослаб монтаж қилиб кетибди-да, шунга шунча отагўри – қозихонами?” деб ўйламанг. Янги қурилиб, фойдаланишга топширилган уйлар, меҳмонхоналар, ишхоналарга кириб, бир текшириб кўринг. Ҳаммасида шу пала-партишлик. Янги кўчиб қирган киши энди сув уланган нуқталарнинг қай бирида қайси сув қайси қўл тарафдан очилишини бир-бир ёдлаб чиқиши керак. Аслида, шунинг ўзи қанчалар ортиқча вақт ва куч талаб қилади. Бунга ҳам чидаса бўлар, лекин ана шу адашлар орқали бекор оқиб кетган сувимизни қандай қайтарамиз?

Агар Ўзбекистонимиз тараққий топиши, бу заминда ҳаёт абадий давом этиши, яъни биздан кейин ҳам абадул-абад бу муқаддас заминда авлодларимизнинг эмин-эркин яшашини истасак, бугун ҳеч бир неъматни исроф қилмаслик, улардан тежаб-тергаб, оқилона фойдаланишни одат тусига киритишимиз зарур ва шарт. Хуллас, исроф – бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам жазоси тайин бўлган бир жиноят.

**Султонмурод ОЛИМ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими**

«Жадид» газетасининг 2024 йил,
13 сентябрь сонидан олинди.



Жасорат

Яқинда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Ориповнинг умрининг сўнгги йилларида ёзилган шеърлари жамланган китоблари тақдимоти бўлиб ўтди. Шу тadbирда сўзга чиққанларнинг хотираларини тинглаб, шоир шахсияти ўзига хос бўлганлигини яна бир карра англаб етдим.

Абдулла Орипов ўтган асрнинг олтинчи йилларида адабиётимизга ёниб кириб келган. Унинг йигирма беш ёшлар атрофида ёзган “Баҳор”, “Сароб”, “Арманистон” каби манзумалари шеърятимиз дурдоналари ҳисобланади. Бинобарин, XX асрнинг олтинчи йиллари Абдулла Орипов ижодининг дастлабки, айти пайтда олтин даври саналади.

Абдулла Ориповнинг 1966 йилда ёзилган “Сароб” шеъри, Матназар Абдулҳаким таъбири билан айтганда, “ижодий жасорат намунаси” ҳисобланади.

Шоир “умрининг қоронғи кечаларида” “шеърдан ҳам улуғ, нондан ҳам азизроқ” нимани ахтарганди?

Аслида “Сароб” манзумаси буқаламун замон билан келиша олмаган, унинг иллатларини аёвсиз фош қилган, одамзод асарлар мобайнида орзу қилиб келган адолатли даври давра соғинчи билан ўртанган шоир қалбининг эзгу ниятлари билан йўғрилган.

Шоир олти ойдан буён шеър ёзмаслиги, юраги зада эканини алам билан таъкидлайди. Унинг юраги нималардан зада? Шоир беғубор ва бахтиёр болалигини соғинади. Ўша кезларда олам шоирнинг кўзига жуда жозибали кўринган:

*Кўз олдимда шу қадарли
пок эли олам,
Гўё нурдан яралганди
инсон деган зот.*

Вояга етгач, ҳаёт ва ҳақиқатнинг зиддиятидан огоҳ бўлган шоир қалби ларзага тушади. Орзу-умидлари чиппака чикқани уни изтиробга солади.

Абдулла Орипов шеърда болалигини “беармон кунларим” деб эътироф этмоқда. Бироқ шоир айнан бахтиёр болалиги, ўсмирлиги йилларида куруқ ваъдалар билан йўғрилган таълим олган:

*Бу дунёда алам бўлмас,
бўлмас деб фироқ
Даста-даста китоблардан
ўқирдик таълим.
Равон йўллар қаршингизда
турибди муштоқ,
Дерди бизга ҳарф ўргатган
ёш бир муаллим.*

Шоир вояга етиб, шафқатсиз ҳаёт ҳақиқатига дуч келганда, ўзи ва тенгдошу замондошларига “равон йўллар муштоқ” эмаслигига гувоҳ бўлиб, бундай ахволдан “юраги зада” бўлади:

*Шеър излайман бу кун
Тошкент кўчаларида,
Секингина зирқирайди
беором қалбим.
Мен умримнинг
бу суронли кечаларида
На бир таскин топа олдим,
на шеър тополдим.*

Абдулла Ориповнинг “Сароб” шеъри бахтиёр болалик соғинчи, замондан кучли норозилик, айти пайтда адолатли ва бахтиёр замон умиди билан йўғрилган.

Бу шеър яратилган даврда асосий халқ оммасининг ҳаёти ҳамон жуда оғир кечарди.

Абдулла Ориповнинг дастлабки шеърларидаги замондан норозилиги мухтасар умумий тусга эга бўлган. Бу норозилик кайфияти шоирнинг салоҳияти ортгани сайин аниқроқ, батафсилроқ тус олади. Ҳаётнинг бе-шафқат ҳақиқатларини теран англаган шоир “Сароб”, “Авлодларга мактуб” каби шеърларида ниҳоят ижобий маънода ростакамга “портлайди”.

Абдулла Орипов қатор шеърларида, жумладан “Сароб” манзумасида ҳам ўз замонасига, унинг муаммоларига юксакликдан назар солиб, тартиб-қоидаларни, одамларга, халққа муносабатни адолат тарозиси билан ўлчайди. Умуман, фавқулудда истеъдод эгаларини бошқа олам вакиллари сифатида таърифлаш ҳам одат тусини олган. Дарвоқе, Абдулла Орипов “Жаннатга йўл” достонида шоирларни, жумладан ўзини ҳам “тил ҳам, миллат ҳам фарқламайдиган, фақат кўнгили майлига кулоқ тутадиган” фариштасифат шоирларлардан эканини таъкидлайди:

*Ачинаман сенга, иним,
инимсан, чунки –
Гар қанотинг бўлмаса-да
сен ҳам паризод.
Қодир эгам муҳибларин
сийлаган маҳал.*

*Шоирларни киритмишидир
пари қавмига.
Фаришталар тил фарқламас,
миллат ҳам азал,
Улар фақат қулоқ тутар
кўнгили майлига.*

Шоир “Сароб” шеърда шоир жаҳоний муаммоларни ҳам тилга олади:

*Қайлардадир ҳамон кезар
зулмат тимсоли,
Қайлардадир ҳамон
тинмай оқмоқда-ку қон.
Кўзларимга гоҳ кўринар
телба мисоли
Мен бир вақтлар сажда
қилган ҳазрати инсон.
Қайлардадир фисқу фасод,
ҳасад, хусумат,
Инсоният фарзандларин
тортмоқда дорга.
Гар бор бўлсанг жавоб бер,
эй илоҳий қудрат,
Наҳот гўдак ишончини
ёзибсан қорга?!*

Шоир “Қайлардадир ҳамон тинмай оқмоқда-ку қон” сатрларида Вьетнам-Америка урушини назарда тутгани, шубҳасиз. АҚШ босқини оқибатида келиб чиққан бу уруш 1965 йилдан 1973 йилгача давом этган. Қолаверса, жаҳонда тинчлик ҳам ўша даврда жуда омонат бўлган. Икки гегемон давлат – СССР ва АҚШ ўртасидаги муносабатлар кескин тус олган, икки давлат ўртасидаги муносабатлар “совуқ уруш” сифатида талқин қилинарди. Ошкора хунрезликлар ўша пайтларда ҳам рўй берар, хусусан 1963 йил 22 ноябрда АҚШ президенти Жон Кэннеди отиб ўлдирилганди. “Қайлардадир ҳамон тинмай қон оқаётгани” сабабли шоирга бир пайтлар ўзи сажда қилган инсон телба бўлиб кўринади. Оқибатда бағри ўртанган шоир:

*Гар бор бўлсанг жавоб бер,
эй илоҳий қудрат,
Наҳот гўдак ишончини
ёзибсан қорга?!*

дея Парвардигори оламга нола қилади.

Фалсафа фанлари номзоди Абдурахим Эркаев “Абдулла Орипов

феномени” тадқиқотида “Сароб” шеърини “лирик достон” деб атайдигани. Айти пайтда Абдулла Орипов ўзбек шеърятда мазкур жанрга асос солганини таъкидлайди. Олимнинг таъкидлашича, “ондаги динамик стереотипнинг синиши ижобий оқибатлар келтириб чиқаради”. “Абдулла Орипов онгидаги кескин ўзгариш ҳам ижодда ижобий оқибатга олиб келди. Эрк ва Ватан мавзусини куйловчи янги шоирни, янги поэтик жанр – лирик поэмани ҳаётга келтирди, қарор топтирди. Аммо унинг шахсий-маиший ҳаётини заққумга айлантирди”.

“Сароб” манзумасининг сўнгги бандини маълум маънода замонсизлик сифатида ҳам талқин қилиш мумкин:

*Не тонг, ахир фарзандимиз-ку
шу замонага,
Ахир она сийнасида
фарзанд тонолмас,
Қўл кўтариб бўлармиди
ахир онага,
Зотан, унга қўл кўтарган –
фарзанд саналмас.*

Бироқ ўша даврдаги ижтимоий-сиёсий муҳитни унутмаслик керак. Ўша пайтда совет давлати раҳбари Н.Хрушчев бошлаб берган “илиқлик” даври ҳукм сураётганига қарамасдан матбуот ва сўз эркинлиги ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмасди. Эркин фикр билдирган ижодкорлар тақибга учрарди. Абдулла Орипов ўша пайтдаги даврнинг сиёсий жиҳатдан жуда қалтислигини теран англагани шубҳасиз. Қолаверса, у тўртликларидан бирида ҳаққоний таъкидлаган ҳолат ҳам мавжуд эди:

*Тингланг бу абадий садо бўлади,
Гадонинг душмани гадо бўлади.
Иккиси бир-бирин егунича то
Ўртада бу дунё адо бўлади.*

Мазкур тўртликда қайд этилганидек, ўша кезларда ўзбек адиблари орасида ҳам гуруҳбозлик, ҳасад ва хусумат, Абдулла Орипов каби туғма истеъдод соҳибларини кўролмаслик оқибатида уларни турли асоссиз маломатлар нишонига айлантириш одат тусини олганди. Бу каби омиллар Абдулла Ориповни “Сароб” манзумасини эҳтиёткорлик билан яқунлашга ундаган бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

**Абдуҳамид ПАРДАЕВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси аъзоси, шоир.**

Асосий мақсад — иқтисодий хавфсизликни таъминлаш

(Боши 3-саҳифада)

Курсантларнинг маънавияти ва ҳуқуқ-ақдорини юксалтириш, Ватанга садоқат ва фидоийлик билан хизмат қилиш руҳида тарбиялаш мақсадида юртимизнинг танқили маданият ходимлари, шоир ва ёзувчилар, спортчилар, тажрибали божхоначилар билан мунтазам учрашувлар ҳамда машғулотлар ташкил этилмоқда.

Институтнинг моддий-техник базаси

Институтда курсантларнинг таҳсил олиши, яшаши, овқатланиши, жисмоний чиникиши учун зарур бўлган ўқув бино, ётоқхоналар, ошхона, спорт мажмуаси, ҳарбий тайёргарлик ва ўқ отиш майдонлари мавжуд. Ўқув бино замонавий жиҳозланган маъруза ва амалий машғулотларни ўтишга мўлжалланган ўқув аудитория ҳамда лабораторияларга эга. Ётоқхоналарда дам олиш учун зарур янги мебеллар билан жиҳозланган хоналар мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири хожатхона ҳамда ювиниш хоналарига эга. Ошхонада курсантлар етарли калорияда сифатли озиқланиши учун уч маҳал овқатланиш “Аутсорсинг” талабларига мувофиқ ташкил этилган.

Курсантларнинг жисмоний чиникиши учун мавсумга мос очик ва ёпик турдаги

футбол, минифутбол, футзал, теннис, баскетбол, волейбол майдонлар, сузиш хавзалари, тренажер заллар, спорт мажмуаси мавжуд бўлиб уларда курсантларнинг жисмоний шуғулланишлари учун шароитлар яратилган. Шу билан бирга 7 турдаги спорт бўйича тўғараклар ташкил этилган. Курсантлар ва ходимлар жисмоний тайёргарлик ҳолатини аниқлаш мақсадида синовлар даврий ташкил этилади. Курсантларимиз армрейслинг, белбоғли кураш, кўл жанги, карате каби спорт турлари бўйича республика ва халқаро миқёсдаги мусобақаларда совринли ўринларни эгаллаб келмоқда.

Курсантларнинг ҳарбий тайёргарлик даражасини мунтазам ошириб бориш мақсадида дала-ҳарбий ўқув машғулотлари, саф тайёргарлиги, қурулдан фойдаланиш ҳамда ўқ отиш каби йўналишларда мунтазам дарслар ташкил этилади.

Келгусидаги режалар

Жаҳонда шиддат билан юз бераётган глобаллашув жараёнлари мамлакатимиз олий таълим тизимида ҳамда божхона органлари олдига замон талабларига ҳамнафас бўлган ислохотларни изчил давом эттиришни тақозо этмоқда. Жумладан, олий маълумотли божхоначи офицер кадрларни келажак замон талабларига мос равишда тайёрлаш мақсадида Божхона институти

олдига бир қатор йўналишлар белгиланган. Жумладан:

божхонанинг соҳавий йўналишлари бўйича профиллашган тарзда ўқув жараёнини ташкил этиш, уларнинг ташкилий-ҳуқуқий, услубий асосларини яратиш;

божхона назорати ва расмийлаштируви жараёнларида инсон омили иштирокини қисқартириш ҳамда сунъий интеллектдан фойдаланган ҳолда рақамлаштиришни янада ривожлантиришга ҳисса қўшадиган кадрлар тайёрлаш тизимини ишлаб чиқиш;

иқтисодий хавфсизликни таъминлашга ҳисса қўшадиган олий маълумотли кадрлар тайёрлаш жараёнини самарали ташкил этиш борасида юртимизнинг бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари билан ҳамкорликни чуқурлаштириш.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкин-ки, Марказий Осиё минтақасида ягона бўлган Божхона институти ўз фаолиятини жадал бораётган халқаро иқтисодий интеграциялашув жараёнларига мос равишда такомиллаштириб бормоқда ҳамда Ватанга садоқат билан хизмат қилишга шай замонавий билимларга эга олий маълумотли божхоначиларни тайёрлаш борасида аниқ стратегияга эга барқарор муассаса деб ҳисобланади ва келгусидаги фаолиятига муваффақиятлар тилаймиз.

А. ШАДМАНКУЛОВ
Божхона институти Божхона тартибга солиниши ва божхона тўловлари кафедраси бошлиғи, и.ф.н., доцент, б.х. подполковниги

Муассислар:

Ўзбекистон
Республикаси
Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.

Ўзбекистон
Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси.

Ўзбекистон
Савдо-саноат палатаси.

Бош муҳаррир
Мақсуд ЖОНИХОНОВ

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Манзил:

Буюк Турон кўчаси 41.
Буюртма рақами Г-1010
Адади: 1015.

Пайшанба куни чиқади.

Қоғоз бичими А-3,
ҳажми 2 босма табоқ.

Баҳоси келишилган нархда.

Газета Ўзбекистон
матбуот ва ахборот агентлигида

2006 йил 0010-рақам билан
рўйхатга олинган.

ISSN 2010-7722

Газетанинг полиграфик жихатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

Маълумот учун
телефонлар:
99-791-43-23
99-994-70-52
98-111-48-29

Реклама ва эълонлар учун:

Электрон почта:
jamiyat@umail.uz

Газета индекси — 131
“ЖАМИЯТ”дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Топширилган вақти: 20:00

1 2 3 4 5 6

Жиноятга жазо муқаррар

Алдов узоққа чўзилмади

Р.Маҳмудов 28 ёшда. Айни ишлаб, даромад топадиган, оилага кўмак берадиган қирчиллама йигит. Бироқ у ноқонуний йўл билан пул топмоқчи бўлди. Гап шундаки, Р.Маҳмудов ўзганинг мулкни фирибгарлик, яъни, алдаш ва ишончни сунистеъмол қилиш йўли билан эгалламоқчи бўлган.

Шу мақсадда Э.Сайидвалиевни алдаган. Унга биргаликда аҳолига ичимлик суви етказиб бериш билан боғлиқ тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун автотранспорт воситаси ва “куллер” (ичимлик сувини совитиш ва иситиш қурилмаси) керак бўлишини айтган. “Куллер” учун 30.036.000 сўм, бўлиб-бўлиб тўлаш шарт билан “Лабо” русумли автомашинаси ҳам олиб беришни ваъда қилган ҳамда 2.200 АҚШ доллари олган. Гўёки, фирмаларни Э.Сайидвалиевга тегишли бўлган артезиандан сувларни кадоқлаб аҳолига етказиб бериши учун шартнома тузишкераклигини айтган. Шартнома харажатлари учун “Кўзи ожизлар жамияти” МЧЖ биносида Э.Сайидвалиевдан 4.600.000 сўм миқдордаги пулини олган. Бундан ташқари, банк пластик картасига 2.613.000 сўм, кейин яна 4.400.000 сўм миқдордаги пулларни кўчиртириб, ваъдасини бажармаган. Э.Сайидвалиевдан олган пулларни бермасдан шахсий эҳтиёжига ишлатиб юборган.

Судланувчи Р.Маҳмудов судда айбига тўлиқ иқрорлик билдирди. Бир куни Э.Сайидвалиев унга қўнғироқ қилиб, телефон рақамини танишидан олганлигини, аҳолига ичимлик суви етказиб бериш учун мўлжалланган сув кадоқлаш цехи очганлигини ва ўша цехни юргизиш кераклигини айтган. Унинг таклифига Р. Маҳмудов рози бўлганидан сўнг улар “Кўзи ожизлар жамияти”да учрашишган. Э.Сайидвалиев жамият директори эканини билганлигини, цехни юргизиш учун қандай таклифлари борлиги ҳақида сўраганида, унга 3 дона “Лабо” русумли автомашинакераклигини, ҳар бир кадоқланган сувга реклама копланаси жойлаштириш лозимлигини айтган.

Э.Сайидвалиев учта эмас, бир дона дона “Лабо”га пули борлигини, қолганларини бўлиб-бўлиб тўлаш шарт билан сотиб олиб беришини айтган. Ўша куни Э.Сайидвалиев унга 2.200 АҚШ долларини берган. Бироқ Р.Маҳмудов ваъдасини турли баҳоналар билан бажармаган. Суд судланувчи Р.Маҳмудовга жазо тури ва миқдорини танлашда жиноят оқибатида етказилган моддий зарарнинг бир қисми қопланганлиги, қолган қисмидан жабранувчи воз кечганлигини эътиборга олди. Суд Р.Маҳмудовнинг ҳибсда сақланган 81 кун муддатининг ҳар бир кунини ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг уч кунига тенглаштириб, чегириб ташлаган ҳолда, узил-кесил ўташлик учун иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 (бир) йил 3 (уч) ой 27 кун муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлади.

Ишламай осонгина пул топиш йўли танлаганлар эртами-кечми қонун олдида жавоб беришади. Р.Маҳмудов ҳам қилмишига яраша жазо олди.

Рустамжон РАҲМОНОВ,
Жиноят ишлари бўйича
Миробод туман судининг судьяси

“ТАБЛЕТКА” жарга етаклади

Маълумки, гиёҳвандлик моддаларини етиштириш, сотиш оғир жиноят ҳисобланади. Ҳар йили бу “заҳри қотил”дан қанчалаб одамлар кўз юммоқда, қанчаси ногирон бўлиб қолмоқда, яна қанчаси қамалиб кетмоқда.

Афсуски, бундан ҳулоса чиқармайдиганлар ҳамон учрамоқда. Судланганларнинг қарийб ҳаммаси гиёҳвандликнинг оғир жиноят эканлигини яхши билса-да, жирканч ишга қўл ураётганлиги афсусланарлидир. Мисолларга мурожаат қилайлик.

Судланувчи И.Т. шу йил 31 мартдан 1 апрелга ўтар кечаси ёнида бўлган 9 дона “Тропикамид” номли кучли таъсир қилувчи воситаларни Яқкасарой тумани Шота Руставели кўчасида харидорга 300 АҚШ доллари эвазига сотган вақтида ўтказилган тезкор тадбирда ушланган.

У суд жараёнида айбига қисман иқрор бўлди.

— Ўша куни менга Малика исмли қиз телефон қилиб, “Тропикамид” сотиб олмоқчи эканлигини айтди, — деди судланувчи. — Биз учрашиш жойини келишдик. Мен 9 дона “таблеткани” унга сотиб, пулни олиб кетаётганимда ички ишлар ходимлари ушлашди. Хато иш қилдим. Оқибатини ўйламабман. Енгилроқ жазо тайинлашингизни сўрайман.

Суд судланувчига жазо тайинлашда оилавий шароитини, пушаймонлигини ва бошқа жиҳатларни эътиборга олди. Суднинг ҳукми билан И.Т.га иш ҳақининг 20 фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди.

Тубсиз жарлик — ажал чангалидан ўзимизни, яқинларимизни, жамиятимизни асраш учун ҳамиша уйғоқ бўлиш талаб этилади. “Заҳри қотил”ни оstonамизга асло яқинлаштирмайлик. Бу иллатнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг, балки ҳар бир фуқаронинг бурчидир.

Азимжон ҲАКИМОВ,
Жиноят ишлари бўйича
Яқкасарой туман судининг судьяси.

Меҳр қолур, муҳаббат қолур



Меҳнат фаолиятимиз давомида кўплаб одамлар билан учрашамиз ва турли феъл-атвор эгаларини учратамиз. Айниқса, аҳоли билан ўтказилаётган қабулларимизда баъзида чин мухтожларни кўрамиз, баъзан эса киши кўнглини ранжитадиган, чуқур ўйга толдирадиган вазиятларга дуч келинади. Худбинлик, ўз нафсининг домига аср бўлиш, тубан кетиш, ҳатто яқин қариндошлари ва энг ёмони, тукқан ота-онаси ва жигарларини ҳам аямасликкача бориб етишига олиб келаётганлигига гувоҳ бўламиз.

Ваҳоланки, ўша бўлишаолмаётган “мулк”нинг ўзи айтиш ўринлики, сариқ чақага ҳам қимматлик қилади.

Қабулларимиздан бирида Маржона исмли ўн уч ёшли неварасининг оғир дардга чалинганлиги ва “операция” учун катта маблағ лозимлиги ҳақидаги мурожаат билан кекса ёшли аёл келди. У киши шундай бир ҳаё, ўзига ярашиқли тортинчоқлик ила гапирар ва айни вақтда айтаётган гаплари рост эканлиги шундай юзидан кўриниб турар эдики, бемор фарзанд кўз олдинда гавдаланиб, вужудинга титроқ киради ва шуоннинг ўзидаёқ кўмаклашгинг келади. Тиббиёт ходимлари ва малакали мутахассислар иштирокида ўтказилган ўрганиш ва чуқур таҳлиллар тезда жарроҳлик амалиётини бошлаш лозимлиги, акс ҳолда кечикиш эҳтимоли юқори эканлигини тасдиқлади. Ишга киришдик. Шукрки, ҳомий ҳам топилди.

Дарвоқе, ҳомийлик ҳақида. Керагидан ортиқ имконияти бўла туриб, мухтож кишига бир чўп беришни истамайдиганлар бор, ўзи мухтож бўлсада, борини бериб юборадиганлар ҳам бор. Анашу, яъни борини беришга тайёр бўлиш жувонмардлик (футувват)дир.

Яратган бандаларининг бирига мулк бериб синаса, бошқасига ҳеч нарса бермай синайди. Тарихдан маълумки, жувонмардлик ҳислати бор одамлар ўз ҳаётларини дўст-биродарлари, яқин кишиларининг ҳолатларини чиқариш, мухтожларга моддий ва маънавий ёрдам беришга бахшида этган одамлар бўлиб, аксар оддий халқ ичидан етишиб чиққан тадбиркорлар, хунармандлар, олим ва санъат аҳлидан бўлишган. Бундай кишилар шахсий ҳаётда ҳалол яшаш, зоҳиран ва ботинан пок бўлиш, нокас ва номардларга яқинлашмаслик учун интиладилар. Бундай одамлар ўзларининг сый-ҳаракатлари ва жувонмардликлари билан кенг омманинг ижтимоий ва маънавий ҳаётига чуқур кириб боришади, халқнинг оммавий турмуш тарзига катта ижобий таъсир ўтказади. Одамлар орасида инсонпарварлик ва халқсеварлик ғояларининг кучайишига катта туртки

бўлади.

Кейинги вақтларда давлат раҳбари бошчилигида ўтказилаётган йиғилишларда тадбиркорлар томонидан аҳолининг камбағал қатламига кўмаклашиш ташаббуслари кўтаришмоқда. Бунда уларга бир марталик моддий ёрдамлар кўрсатиш билан эмас, балки камбағал оила аъзоларини касбу-хунарга ўргатиб, ўзи меҳнат қилиб, оиласини мустақил боқоладиган даражага кўтаришга қаратилган ҳаракатлар қилаётганликлари қувонарли. Шундай йиғилишларнинг бирида шахарлик бир тадбиркор йигит чекка туманга бориб, уч-тўрт нафар камбағал оилалараъзоларини ўз корхонасига жалб этиб, аввало уларни касбу-хунарга ўқитиш ва кейин иш билан таъминлашга бел боғлаганлигини катта ҳис ҳаяжон билан гапирди. “...айнан шу оилаларнинг турмуш тарзи, яшаш шароитлари билан яқиндан танишиш учун аввало ўзим уч-тўрт кун улар билан яшадим ҳамда тўқин ҳаётга кўниккан аёлим ва фарзандларимни ҳам олиб келдим...” деб самимият билан айтган гапларидан бу сиёсат нечоғли тўғри бўлаётганлигини ҳис этдим. Албатта, ҳамма ҳам шундай ёндошмоқда деб айтиш ноўрин бўлсада, бу ҳаракатлар кўпчиликда яхши фикрлар уйғотмоқда.

Хуллас, бемор кизчанинг “операцияси” муваффақиятли ўтганлиги ҳақидаги хушхабардан барчамиз мамнун бўлдик. Бугун замон тараққий этяпти. Тиббиётда ҳам кескин ижобий силжишлар бўлмоқда. Айниқса, ўзимизнинг қоракўзларимиз дунёнинг манаман деган давлатларида ўқиб, малака ошириб келаётганлиги қувонарли. Жарроҳлик амалиётини анашундай ёш, иқтидорли мутахассислардан бўлган йигит амалга оширди. Орадан тўрт-беш кун ўтиб Маржонани кўргани бордим. Ажабо! Яратганининг қудрати ва марҳамати билан у мустақил ҳаракатланар, жуда равон бўлмасада, анча аниқ ва тиниқ гапирар, энг муҳими хотираси тикланаётган, қарашлари тетик, кайфияти юқори эди. Қарангки, худди билгандай борибмиз “... қадамларингизга ҳасанотлар, бугун Маржонаминг туғилган куни...” дея кутиб олди,

хурсандчиликдан кўзларидан қувонч ёшлари оқаётган муштипар она. Биз Маржонага шифо берган Яратганга шукроналар айтдик, қўли энгил дўхтирларимизга ва бағрикенг, жувонмард йигитларимизга онахондан дуолар олдик. Маржонани такрор ва такрор табриклар, яхши ниятлар билан хушлашдик. Энди яна икки ойдан сўнг иккинчи жарроҳлик амалиёти ўтказилар экан. Шуни ҳам муваффақиятли ўтказиб олса, қолгани яхши бўлади.

Юртимиз сарҳадларидан етишиб чиққан Имом Замахшарий, имом Абу Мансур Мотуридий, имом Насафий, Имом Абу Лайс Самарқандий каби тафсириччи алломаларимиз, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Насафий, имом Доримий Самарқандий, имом Ҳиббон Самарқандий каби муҳаддисларимиз аввало муқаддас Куръони карим тафсирида ва севимли Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламнинг муборак ҳадисларини жамловчи асарларида алоҳида боблар очиб, одоб-ахлоқга, одамийлик фазилатларига катта ўрин берганлар.

Шу билан бирга улуғ ва маърифатли замондош шайхимиз Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф ҳазратнинг “Ҳадис ва Ҳаёт” силсиласининг ўттиз тўртинчи жузъи “Яхшилик ва Ахлоқ китоби”, ўн еттинчи жузъи “Адаб китоби”, “Одоблар хазинаси”дан кенг фойдалансак, ўқисак, ўқитсак, катта фойда олган бўлардик. Айниқса, шу кунларда кишилик жамиятида олдинлари мутлақо қузатилмаган, аввал кўрилмаган янги ижтимоий муаммолар пайдо бўлмоқда. Уларнинг ечимларига қаратилган одобларни ҳам чуқур мулоҳаза қилсак, тафаккур қилиш ила ёндошсак, юқоридаги каби адабиётларимиздан, ажодларимиз фаолиятларидан топсак бўлади. Шунда юқорида айтганимиз каби жувонмардлар, комилликка, илм эгаллашга интилган ёшлар кўпаяди.

Йўлга чиққанымиздан кейин ҳайдовчига:

– Муҳаммад ака, чапга ҳайданг шу баҳонада Шеркўрғон маҳалласидаги объектларни кўриб кетамиз, – дедим. Кайфият аъло, яхши режа-

лар қилиб борар эканман, йўл четида тўхташ ишорасини қилаётган аёлга кўзим тушди.

– Тўхтанг, шу кишини миндириб олайлик. Тўхтадик, аёл ийманибгина ўтирди.

– Ассалому алайкум опа яхшимисиз, болаларингиз омонми, йўл бўлсин, – дейман.

– Ваалайкум ассалом ука, яхши раҳмат, ўзлариз яхшима. Катакларди мошини тўхтайма-жўқма деп кўл кўтариб эдим, ёқ тўхтадигиз, раҳмат, – дейди опа ўзига ярашиқли шеvasида.

– Фарзандлар нечта.

– Бир улим, уш қизим бор. Кенжамни бир кўриб келай, деп борятқандим. Ўзингиз нима иш қиласиз, белларди одамига ушхмайсиз-ку.

– Туман ҳокимини кўрганмисиз.

– Ҳа ёға, ҳокимларни қайдан кўраман, кўчага чиқмасак, кўчани ишини эркаклар қиладида, айнай.

– Агар ҳозир ҳокимни кўриб қолсангиз, нималар деган бўлардингиз.

– Вой нима дейдим, айнай, сов бўсин, халқти ишини қисин, шукр ҳозир тинчлик, шуни ўзи катта гап-ку.

– Раҳмат, исмингиз нима.

– Исмин Бувнар, – дейди опа рўмоли учини ўйнаганича, ерга қараб.

– Йўқ, Бувнар эмас, менимча Бибинора бўлса керак, – дейман опага қараб.

– Майлида, мениам укам ҳокимларман ишлаб журғич, оти Мамадияр.

– Жуда яхши танийман, тарбияли, баъмани йигит, молия бўлимида ишлайди, укангизми у киши.

– Ҳа, раднай укам.

– Во, ана раднай денг, – дейман опага ҳазиллашиб.

– Ҳа айнай, энди урисчага тилам урганганда. Ана кеп қолдик, бохчани олдиға тушаман. Кистамни қовласаммакан, – дейди опа ийманибгина, айни пайтда ўзига ярашиқли қувноқлик билан.

– Йўқ. Кистани қовламанг, дуо қилиб, невараларга саломимизни етказинг.

– Вой айнай. Барака товинг, ўзи сиз ким бўлаас.

– Мен туман ҳокимиман. Ҳамма қариндошларга салом айтинг, яхши кунларингиз кўп бўлсин.

– Вой мен ўлай, ҳокимди мошиниға минип келдимма. Воййй...

Ана шундай содда ва самимий, борини тўқиб соладиган халқимиз бор. Уларга хизмат қилиш, кўнглини кўтариш эса одамийликнинг мезонидир. Зеро, шоир айтганидек:

... *Ўтар инсон яхши-ёмони,
Меҳр қолур, муҳаббат қолур*

**Қаюм СОБИРОВ,
Жомбой тумани ҳокими**